

## ЭКОЛОГИК МУҲИТНИНГ ХУЛҚ-АТВОРГА ТАЪСИР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲОРИЖДА ЎРГАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Нигина Завкибекова

Осиё халқаро университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада экологик муҳитнинг хулқ-атворга таъсир хусусиятларини профессор М.Р.Акрамов изланишларида хорижлик олимларнинг тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Хулқ-атвор, атроф-муҳит, агрессия, об-ҳаво, индивид, негатив аффект.

Атроф-муҳитнинг табиий омиллари хулқ-атворга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Бизнинг физиологик ҳолатимиз, эмоционал йўналганлигимиз ва ҳаттоқи, турли вазифаларни бажара олиш қобилиятимиз ташқи оламнинг кўплаб унсурларига боғлиқ. Бундан ташқари, атроф-муҳит омиллари қўпинча, бизнинг улар хақидаги муҳокамаларимизни, уларга бўлган симпатиямизни ва ёрдамга тайёрлик ҳолатимизни трансформация қилган холда атрофдагилар билан бўлган муносабатимизга ўз таъсирини ўтказади (Altman; Baron; Glass & Singer; Freedman). Эмпирик маълумотлар агрессиянинг намоён бўлишига атроф-муҳитнинг физик омиллари шундай таъсир қиласди, деган тахминни илгари суриш имконини беради. Қатор омиллар, шунингдек, қоронгуликнинг, вулқон кукуни ёғишининг ва Ой фазасининг ҳам таъсири ўрганилган. Жазира, тиқилинч ва ифлосланган ҳаво омилларининг инсон хулқига таъсири тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган<sup>1</sup>.

Тизимли кузатувлар шунга далолат бермоқдаги, АҚШнинг катта шаҳарларида 60-70-йилларда бўлиб ўтган оммавий тартибсизликларнинг аксарияти иссиқ ёз ойларига, деярли узлуксиз жазирама вақтига тўғри келган. “Иссиқхона эфекти” концепцияси Ер ҳароратнинг борган сари қўтарилиб

<sup>1</sup> Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Baron, R.A., & Lawton, S.F. (1972). Environmental influences on aggression: The facilitation of modeling effects by high ambient temperatures. *Psychonomic Science*, 26, 80-83. Baron, R.A., & Ransberger, V.M. (1978). Ambient temperature and the occurrence of collective violence: The “long, hot summer” revisited. *Journal of Personality and Social Psychology*, 36, 351-360. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 61, 18-30. 142. Matthevs, R., Paulus, P., & Baron, R.A. (1979). Physical aggression after being crowded. *Journal of Nonverbal Behavior*, 4, 5-17. Michael, R.P., & Zumph, D. (1983). Annual rhythms in human violence and sexual aggression in the United States and the role of temperature. *Social Biology*, 30, 263-278.

бориши даврига ўтганини назарда тутади. Агар шундай бўлса, ижтимоий фанлар учун, инсон хулқига, хусусан, агрессияга таъсир эфектини ўрганиш албатта муҳим. Агрессия бўйича мутахассисларни агрессиянинг атроф-муҳитнинг бошқа барча параметрларидан қўра, кўпроқ ҳароратга боғлиқлиги қизиқтирган.

Ҳароратнинг инсон хулқига боғлиқлигини ўрганувчи олимлар кўп тадқиқот усусларидан фойдаланганлар. Тадқиқотчиларнинг бир қисми ўз диққатини “метеошароитларнинг космик вариациалари” бўлган иқлимга қаратган бўлса; бошқалари - тез ўзгарувчи об-ҳаво шароитларига эътибор қаратган<sup>1</sup>.

Биринчи гурухга мансуб олимлар томонидан “иссиқ” ва “совук” географик ҳудудларда зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар миқдори қиёсланган; иккинчи гурух олимлар эса зўравонлик ҳолатларини қунлик ҳарорат қўрсаткичлари ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этган. Бу тадқиқотларнинг амалиётдаги потенциал ахамиятини инобатга олган ҳолда кўпгина тадқиқотчилар ҳарорат ёки иқлимининг ҳамда жиноятлар ва оммавий тартибсизликлар ўртасидаги боғлиқликларни кўрсатдилар. Бу тадқиқотларда асосан архив методидан фойдаланилган, шунингдек, иқлим ва об-ҳавони кузатишлар ҳамда жиноятчилик статистикаси хам ўрганилган. Бошқа тадқиқочилар эса архивли методларининг соғ корреляцион характеристи юқори ҳарорат ва агрессия ўртасидаги сабаб-оқибатли боғланишлар ҳақида салмоқли далиллар бермаётганлигидан хавотирга тушдилар; улар агрессиянинг ҳароратга боғлиқлигини тушунтиришларга таъсир қилиши мумкин бўлган муқобил омилларни (масалан, иссиқ кунда алкогольни кўп истеъмол қилиш, яхши об-ҳаво туфайли социал муносабатлар имкониятининг кенгайиши) истисно қилиш мақсадида ҳарорат таъсири эфектини ўрганиш учун лаборатор тадқиқотлар ўтказган.

Дастлабки экспериментал тадқиқотлар агрессия ва об-ҳаво ҳарорати ўртасидаги алоқа нисбийлигини кўрсатган. Шунингдек, Гриффит ва унинг ҳамкаслари тадқиқотлари кўпчилик одамлар ўта иссиқ шароитда ҳақиқатан хам қизиқонроқ, асабийроқ бўлиб қоладилар ва уларда атрофдагиларга нисбатан негатив реакциялар юзага келади, деган холосага асос бўлади. Фақатгина атроф-муҳит ҳароратининг агрессияга таъсирини ўрганишга бағишлиланган биринчи лаборатор тадқиқот об-ҳавонинг юқори ҳарорати агрессияни, асосан жizzаки синалувчилар агрессиясини кучайтириши мумкин деган “майший” фаразга таянган ҳолда ўтказилган. Бу тажрибада тадқиқотчи эркак-синалувчиларга уларнинг жаҳлини чиқарадиган ёки жаҳлини чиқармайдиган ёрдамчисига нисбатан ўз агрессиясини намоён қилиш имконияти берилади. Тадқиқот вақтида

<sup>1</sup> Rotton, J.(1986). Determinism redux: Climate and cultural correlates of violence. Environment and Behavior ,18, 346-368. Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. Journal of Applied Social Psychology, 9, 397-412.

синалувчиларнинг ярми Фаренгейт бўйича 72-750 (Цельсий бўйича 22-24°) даражали ёқимли ҳароратдан ором олишса, қолган синалувчилар Фаренгейт бўйича 91-950 (Цельсий бўйича 33-35°) ҳароратда қийналганлар. Ҳавонинг намлиги бу ва кейинги тажрибаларда доимий сақланган. Аммо тадқиқотчининг тахминлари айнан исботини топмади. Жаҳли чиқсан синалувчилар хақиқатдан хам кучли агрессияни намойиш қилганлар, аммо “жазирама” омилиниңг айнан ўзи кутилган натижани бермади. Аксинча, ҳарорат асабийлашган ва асабийлашмаган синалувчиларнинг агрессивлигини оширмай, балки камайтиргани қайд этилди. Берон ва Беллар жабрланувчи эҳтимолли агрессорни ошкора зўравонлик қилишга чорласа ва ундан кейин реал агрессив хатти-ҳаракатлар шоҳиди бўлса агрессия устувор тенденцияга айланиши мумкинлигини тахмин қилганлар. Ўзга шароитларда эса агрессия - бошқа реакциялар устидан хукмронлик қилмайди. Бандура экспериментларида ассистент синалувчи-эркакларни ё ошкора агрессия намоён қилишга мажбуrlаган (уларнинг ўзига берган баҳосини туширишга уринган), ёки бунга асло ишора қилмаган (синалувчилар ўзлари хақида илиқ сўзлар эшлишишган). Кейин унга нисбатан агрессияни намоён қилиш - ток билан уриш имкони синалувчиларга берилган. Синалувчиларнинг ярмига ўзини тутиш модели намойиш қилинган ва улар ассистентга электр токини юборишдан олдин юқори агрессив ҳолатни ҳис қилганлар. Агрессив ҳаракатларни гўёки синалувчилар орасидан “тасодифан” танлаб олинган бошқа ассистент намойиш қилган-улар фақат 8, 9 ва 10-даражали тугмаларни босгандар хамда зарбнинг давомийлигини 2-3 сониядан оширмаганлар<sup>1</sup>.

2-вариантда эса, олдиндан агрессив хулқни кўрмаган синалувчилар жабрланувчиларга ток берганлар. Ва ниҳоят иккала варианта ҳам, синалувчиларнинг ярми мақбул шароитда; улар Фаренгейт бўйича 72-750 (цельсий 6.22-24°) даги жойда бўлганлар, бу вақтда эса, қолган синалувчилар Фаренгейт бўйича 92- 950 (цельсий 6.33-34°) ҳароратдан азият чекканлар. Аммо тадқиқчиларнинг умидлари яна оқланмади; маълум бўлдики, синалувчилар агрессияни кўрган ёки кўрмаганликларидан қатъий назар, юқори ҳарорат зўравонликка ундаш вазиятида синалувчиларда агрессияни кучайтирган ва олдиндан зўравонликка ундов бўлмаган вазиятдаги синалувчиларда уни камайтирган. Бу натижалар Бандурунинг назарияси иссиқнинг агрессияга

<sup>1</sup> Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 61, 18-30.

таъсирини тушунтириш учун қанчалик ўринли экани хақида ўйлаб кўришга мажбур қиласди<sup>1</sup>.

Шунга қарамай, синалувчилярнинг экспериментдан кейинги сўровномаси ва уларнинг давомли муҳокамаларидан кейинги таассуротлари шундан далолат берадики, юқори ҳароратли жойда бўлган синалувчилар салқин шароитдагилардан қўра қўпроқ негатив туйғулар (дискомфорт, қониқмаслик)ни ҳис қилганлар. Бундан ташқари ҳам олдиндан зўравонликка ундалган, ҳам иссиқ ҳаво таъсирида бўлган синалувчилар энг кўп негатив ҳисларга берилган<sup>2</sup>.

Синалувчилярнинг эмоционал ҳолат ва ноқулайлик ҳиссидан қутилишга бўлган хатти-ҳаракатлари ҳақидаги фикрлари қизиқ тахминга олиб келади: ҳавонинг юқори ҳарорати ва агрессия характеристини аниқловчи - устувор психологик жараён ноқулай шароит реакцияси бўлган қўзғатувчилярнинг ортиши эмас, балки қўзғатилган негатив эффект даражасидир. Яъни индивид ҳис қиладиган салбий эмоциялар даражаси.

Мазкур мулоҳазалар негатив аффект даражаси билан агрессиянинг доминантлиги ўртасидаги функционал боғлиқлик чизиқли бўлмаслиги мумкин, деган холосага олиб келади, яъни, агрессия юқори ҳарорат, ёқимсиз ҳид ва бошқа факторларга асосланган негатив аффектларнинг ўсиши билан қўпаядиган доминант реакция бўлиши мумкин. Бир неча тадқиқотларда ушбу гипотезани тасдиқловчи натижалар олинган. Масалан, Барон ва Белл учта мустақил ўзгарувчилар таъсиридан фойдаланган холда, 8 экспериментал групуда синалувчи эркаклар турли даражадаги -энг қуийдан тортиб энг юқори даражагача- негатив аффектларни ҳис қилдирадиган шароитларни яратишган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига қўра, мазкур мустақил ўзгарувчилар - синалувчининг бошқа одам томонидан баҳоланиш (позитив ёки негатив) усули, шу одам ва синалувчининг установкалари ўртасидаги ўхшашлик (юқори ёки паст) ҳамда ҳаво ҳарорати (иссиқ ёки совук) - синалувчининг эмоционал ҳолатига кучли таъсир ўтказиши аниқланган. Агрессиянинг негатив аффект билан чизиқли бўлмаган боғлиқлиги ҳақидаги юқорида зикр этилган гипотезага мувофиқ Бэрон ва Белл дастлаб негатив аффектнинг ортиши синалувчилярнинг агрессия даражасини оширган, кейин эса, шароит оғирлашгани сари агрессия даражаси яққол пасайгани қайд этилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Bandura, A. (1973). Aggression: A social learning analysis. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall.

<sup>2</sup> Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Baron, R.A., & Lawton, S.F. (1972). Environmental influences on aggression: The facilitation of modeling effects by high ambient temperatures. *Psychonomic Science*, 26, 80-83.

<sup>3</sup> Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 61, 18-30.

Бошқа тадқиқотларда бу концепцияни тасдиқловчи қўшимча маълумотлар олинган. Биринчидан, негатив аффект модели башорат қилганидек, ёқимсиз ҳисларни туғдирувчи совуқ хаво жазирама иссиқ сингари эффектларга олиб келади. Иккинчидан, бу моделнинг акси бўлмаган натижалар негатив аффектни келтирувчи тиқилинчлик ва ёқимсиз ҳид каби ҳолатларда ҳам олинган. Паламарек ва Руле негатив аффект моделининг жиҳатларидан бири бўлган - қочиш ошкора ифодасини топадиган тестлаш жараёнини ишлаб чиқишиган. Синалувчилардан улар ҳам иссиқни, ҳам ҳақоратни бошдан ўтказгач, агрессияни тақозо этадиган ёки агресив ҳаракатларни талаб қилмайдиган вазифалардан бирини танлаш имконияти берилади<sup>1</sup>.

Кутилганидек, негатив аффект ўрта даражада бўлганларда (ҳақорат ёки иссиқ хаво омили таъсирига тушгач), негатив аффекти паст (иссиқни ҳам, ҳақорат ҳам ҳис қилмаганлар) ёки юқори бўлган (ҳам иссиқ, ҳам ҳақорат билан тўқнашганлар)ларга нисбатан агресив ҳаракатларни талаб қилувчи вазифаларни танлашга мойиллик кучлироқ бўлиб чиқди.

Агар юқорида келтирилган тадқиқотларни тахлил қиласиган бўлсақ, агрессиянинг юқори ҳароратга мойиллиги нотекис характерга эгалиги ойдинлашади. Бу хulosा Барон ва Беллларнинг назарий концепцияси билан ҳам, тадқиқий маълумотларга ҳам мос келади.

Агрессия ва ҳароратнинг ўзаро боғлиқлигига оид архив тадқиқотларда бу икки ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқлик тўғри чизиқли характерга эгалиги аниқланган.

Бу эфект кўплаб шаҳарлардан олинган маълумотларда қайд этилган, (масалан, ДеМойн, Даллас, Индиаполис), мазкур тадқиқотларда агрессиянинг ўлчови сифатида зўравонлик жиноятлари (Harris&Stelder), оммавий тартибсизликлар ва оиласи тортисувларга оид полиция мурожаатлари илгари сурилган. Об-ҳавонинг ёки иқлим қай бирининг таъсири ўрганилганлигидан қатъий назар ягона хulosा келиб чиқади - ҳарорат ошиши билан агрессия ҳам ортади<sup>2</sup>.

Агрессиянинг ҳаво ҳарорати билан боғлиқлигини ўрганишга оид дастлабки архив материаллари таҳлилига асосланган тадқиқотлар Берон ва Рансбергер томонидан ўтказилган. Уларнинг оммавий тартибсизликлар ва ҳаво ҳарорати ўртасидаги нотекис боғлиқлик тўғрисидаги хulosаларидан хабардор бўлган, Карлсмит ва Андерсонлар Берон ва Рансбергерлар берган маълумотлар тадқиқот

<sup>1</sup> Palamerek, D. L., & Rule, B.G. (1979). The effects of ambient temperature and insult on the motivation to retaliation or escape. *Motivation and Emotion*, 3, 83-92.

<sup>2</sup> Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. *Journal of Applied Social Psychology*, 9, 397-412

давомида қўлланилган маҳсус чора тадбирлар туфайли факт эмас, артефактга айланиши мумкинлигини эълон қилганлар, яъни Берон ва Рансберглар ўрта ҳамда ўта юқори ҳароратли кўламга кириши мумкин бўлган кунлар микдорини инобатга олмаганликларидир. Бундай таҳлил тартибсизлик ва ҳарорат ўртасида чизиқли боғлиқликни намоён қиласди<sup>1</sup>.

Андерсон зўравонлик ва зўравонлика оид бўлмаган турдаги жиноятларнинг ҳаво ҳароратига боғлиқлиги бўйича икки архивли тадқиқотни ўтказди. У “зўравонлик жиноятлари оддий жиноятлардан кўра кўпроқ боғлиқ, негаки, унга мос хулқ-автор кўпроқ агресив характерга эга”, деб ҳисоблаган. Биринчи тадқиқотда Андерсон зўравонлика оид бўлган ва оид бўлмаган жиноятларнинг частотаси хақида ахборот олиш учун РБКнинг 1971 йилдан 1980 йилгача бўлган маълумотларидан фойдаланган. Зўравонлик жиноятларига қотиллик, зўрлаш ва жиддий тажовузлар; зўравонлик бўлмаган жиноятларга — ўғрилик, киссавурлик, бузғунчилик билан ўғрилик жиноятлари ва машиналарни олиб қочишлар киради. АҚШ тижорат Департаментининг иқлимини кузатиш маълумотларидан фойдаланиб, иссиқ кунлар микдорини аниқлади. Андерсон жазирма кунлар сони ва зўравонлик жиноятлар микдори ўртасида сезиларли ижобий корреляцияни аниқлаган. Мазкур эффектни нафақат йиллар, балки кварталлар бўйича хам кузатиб, тадқиқотчи энг кўп зўравонлик жиноятлари нафақат энг иссиқ йилларда, балки энг иссиқ худудларда кузатилган, дея хулоса қилди<sup>2</sup>.

Иссиқ кунларнинг сони зўравонлик жиноятларига оддий жиноятлардан кўра кўпроқ таъсир қиласди. Ўзининг иккинчи тадқиқотида Андерсон иқлим эффектларига ўз эътиборини қаратиб, “ҳақиқатан ҳам иссиқ иқлими шаҳарларда зўравонлик жиноятчилиги салқинроқ иқлимга эга бўлган шаҳарлардагидан кўра кўпроқ бўлиши”ни аниқлади. Бу тадқиқотда у жиноятчилик билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган социал ўзгарувчилар таъсирини ҳам ўрганган (масалан, ишсиз аёл, даромадлар, ўрта ёшлиқ, маълумотлилик). Социал ўзгарувчилар жиноятчилик даражасининг аҳамиятли дисперсиясига жавобгар бўлишига қарамай, охиргиси ҳарорат орқали аниқланишда давом этган<sup>3</sup>. Бошқача айтганда, иссиқ кунлари кўп бўладиган шаҳарларда зўравонлик жиноятлари нисбатан кўп бўлган. Ҳаво ҳароратининг

<sup>1</sup> Baron, R.A., & Ransberger, V.M. (1978). Ambient temperature and the occurrence of collective violence: The “long, hot summer” revisited. *Journal of Personality and Social Psychology*, 36, 351-360. Carlsmith, J., Anderson, C. (1979). Ambient temperature and the occurrence of collective violence: A new analysis. *Journal of Personality and Social Psychology*, 37, 337-344.

<sup>2</sup> Anderson, C.A. (1987). Temperature and aggression: Effects on quarterly, yearly, and city rates of violent and nonviolent crime. *Journal of Personality and Social Psychology*, 52, 1161-1173

<sup>3</sup> Anderson, C.A. (1987). Temperature and aggression: Effects on quarterly, yearly, and city rates of violent and nonviolent crime. *Journal of Personality and Social Psychology*, 52, 1161-1173

зўравонлик билан боғлиқ ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлиги тадқиқотларда ўз исботини топган бўлсада, айрим олимлар агрессия ва хаво ҳароратининг боғлиқлигига таъсир этувчи бошқа омилларни санаб ўтганлар. Масалан, Харриес ва Шталдер зўравонлик жиноятларини прогнозлаш учун ҳарорат ва намлик асосида аниқланадиган дискомфорт индексидан кўра, хафта куни қўпроқ ахамиятлигини аниқлашган. Харриес ва Шталдер обрўли туманлардаги одамлар иссиқлик таъсиридан қочишлари осонроқ, деган хulosага келдилар, негаки, улар хар доим кондиционер хизматидан фойдаланишлари мумкин, шунинг учун хам кварталларнинг статусини зўравонлик даражасини белгиловчи омил сифатида кўрганлар. Улар ҳароратнинг фақатгина ўрта ва паст статусдаги кварталлардагина ахамиятли фактор эканлигини аниқлашди. Роттон ва Де Фронцо иқлим ва жиноятчилик ўртасидаги боғлиқлик аслида жуда суст эканини аниқлашди; улар башорат қилишда бошқа ижтимоий маданий ва ижтимоий иқтисодий омилларни (масалан, ишсиз аёл, даромадлар, ўрта ёшлиқ, маълумотлилик) солиширишганда, иқлиминг жиноятчиликка таъсири нисбатан суст бўлиб чиқди<sup>1</sup>.

Демак, агрессиянинг об-ҳаво ҳарорати билан боғлиқлигини ўрганувчи архивли ва лаборатор тадқиқотлар бошқа-бошқа натижаларни кўрсатмоқда. Лаборатор тадқиқотларда негатив аффект модели ўз тасдигини топган: у ҳароратнинг ўсиши билан бирга ортганда, дастлаб агрессив реакциялар устуворлигига олиб келади, бироқ ноқулайлик (шу билан бирга негатив аффектнинг ҳам) кучайиши агрессив реакцияга зид реакция - қочишни - устувор реакцияга айлантиради. Бироқ, архивли тадқиқотлар агрессия ва ҳароратнинг функционал боғлиқлигининг чизиқли (ижобий коэффициентга эга) эканлигини яққол кўрсатди—ҳарорат ортиши билан агрессия ҳам ортади. Мазкур тафовутларни нима билан изоҳлаш мумкин.

Андерсон ва унинг ҳамкорлари лаборатор тадқиқот натижалари “синалувчилар саботажи” туфайли янглиш бўлиши, яъни синалувчилар айниқса, ҳаво ҳарорати юқори бўлган гуруҳлардагилар, экспериментда агрессивликнинг ҳароратга боғлиқлиги тўғрисидаги тасавурлар текшириляпти, деган хаёлда ўзларини гипотезага қарши тутиб, экспериментни бузишга харакат қилганлар, деб изланишда давом этганлар. Аммо, Андерсон негатив аффект ва агрессия ўртасидаги чизиқсиз аффект тиқилинч ва ёқимсиз ҳид каби бошқа негатив омиллар таъсири остида вужудга келиши мумкинлигини таъкидлаб, “синалувчилар саботажи” тўғрисидаги фикр ноўрин дейди, негаки, агрессив

<sup>1</sup> Rotton, J.(1986). Determinism redux: Climate and cultural correlates of violence. Environment and Behavior ,18, 346-368. Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. Journal of Applied Social Psychology, 9, 397-412.

хулқ-атвор билан негатив аффект ўртасидаги боғлиқлик хақида эътиборга молик гипотезанинг ўзи мавжуд эмас. Бошқа олимларга эса, синаувчилар учун реал хаётдан чиқишидан кўра, лаборатор шароитдан чиқиш осонроқ, деб ўйлаш хосдир<sup>1</sup>.

Керник ва Мак Фарлайн архив ва лаборатор тадқиқотларни умумлаштиришга харакат қилиб, тадқиқотни лабораториядан ташқарида ўтказган. Ўйланган стратегияга кўра, синаувчилар тадқиқотда иштирок этаётганларини билмаганлар, (шунинг учун хам экспериментни саботаж қила олмасдилар) тадқиқотчилик эса, уларнинг хулқини “реал хаётда” ўрганишлари мумкин бўлган. Тадқиқот Аризона штатидаги назорат қилинадиган Фениске проспектида, апрелдан август ойига қадар ўтказилади. Ассистент қизил чироқда машинани бошқа машиналар олдида тўхтатган ва яшил чироқ ёнганда хам, жойидан жилмаган. Агрессия автомобиль сигналларининг сони, ҳар бир сигналнинг давомийлиги ва яшил чироқ ёнгандан кейин биринчи сигналгача бўлган вақт билан ўлчанганди. Тадқиқотчилик агресив сигналлар ва хаво ҳарорати ўртасидаги чизиқли боғлиқлик хақида хабар бердилар, аммо олинган натижалар ночизиқ боғлиқлик хақидаги гипотезадан воз кечиш имконини бермайди. Джин бу борада икки мулохаза билдиради.

Биринчидан, тўхтаб турган машиналар хайдовчиларида кетиш имкони бўлмаган, демак, эксперимент методи ночизиқ боғлиқлик хақидаги гипотезани текшириш имконини бермаган. Иккинчидан, сигналлар агрессияни эмас, балки воситали бўлиши мумкин бўлган; синаувчилар олдиндаги машина йўлни бўшатиши учун сигнал чалган бўлишлари хам мумкин.

Натижаларнинг қарама-қаршилигини тушунтириш учун бир неча олимлар маълумотларни ойдинлаштиришга ва қайта ишлашга интилганлар. Джин шуни таъкидлайдики, “Бэрон ва унинг хамкаслари ҳеч қачон жазира маънни агрессиянинг ночизиқ боғлиқлигини қатъий таъкидламаганлар. Улар фақатгина иссиқнинг эмоционал ҳолатга олиб келадиган негатив аффектга хисса қўшишини айтганлар. Агар эмоциялар етарлича кучли бўлса, агрессия билан рақобатлашувчи-қочиши реакциясига олиб келади”<sup>2</sup>.

Манзара бироз мавхум туюлсада, қуйидаги умумий холосалар ўринли бўлади. Биринчидан, агрессия ва хаво ҳароратининг ўзаро боғлиқлиги аввал

<sup>1</sup> Anderson, C.A. (1987). Temperature and aggression: Effects on quarterly, yearly, and city rates of violent and nonviolent crime. *Journal of Personality and Social Psychology*, 52, 1161-1173. Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 6, 18-30

<sup>2</sup> Anderson, C.A. (1987). Temperature and aggression: Effects on quarterly, yearly, and city rates of violent and nonviolent crime. *Journal of Personality and Social Psychology*, 52, 1161-1173. Bandura, A. (1973). Aggression: A social learning analysis. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall.

туюлганидан анча мураккаброқ. Иккинчидан, агрессия ва хаво ҳароратининг ўзаро боғлиқлигининг мураккаблиги, тартибсизлик, талончилик, ва бошқа шу каби ҳолатларнинг иссиқ ёз ойларида кўпайиши бевосита ёки фақатгина бу даврда ҳароратнинг кўтарилиши билан белгиланмаган. Бунда кўпроқ кўчаларда одамларнинг кўплиги, алкоголли ичимликларни кўп истеъмол қилиш, куннинг узайиши ва талабаларнинг таътили каби бошқа омиллар ахамиятлироқ. Натижада, “узоқ, жазирама ёзни” зўравонлик билан фақатгина ўзига хос шароитларда ва мураккаб сабаблардагина боғлаш мумкин.

Экологиянинг одамлар хулқ-атворига таъсирини экспериментал ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижалари таҳлили қуйидаги хulosаларни чиқариш имкониятини берди:

1. Экологик ҳолатлар ижтимоий хулқ-атворга бевосита таъсир кўрсатади
2. Экспериментал изланишлар икки йўналишда олиб борилган:
  - а) “метеошароитларнинг космик вариациалари” бўлган иқлим таъсири;
  - б) тез ўзгарувчи об-ҳаво шароитларининг одам хулқига таъсири
3. Лаборатор экспериментлар кўп жихатдан экологик муҳит билан жиноятчилик ўртасидаги алоқадорликни аниқлашга қаратилган
4. Архивли тадқиқотлар экологиянинг индивидуал-психологик хусусиятларда қай тарзда ифода этишини ўрганганди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Baron, R.A., & Lawton, S.F. (1972). Environmental influences on aggression: The facilitation of modeling effects by high ambient temperatures. *Psychonomic Science*, 26, 80-83. Baron, R.A., & Ransberger, V.M. (1978). Ambient temperature and the occurrence of collective violence: The “long, hot summer” revisited. *Journal of Personality and Social Psychology*, 36, 351-360. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 6, 18-30. 142. Matthevs, R., Paulus, P., & Baron, R.A. (1979). Physical aggression after being crowded. *Journal of Nonverbal Behavior*, 4, 5-17. Michael,R.P., & Zumpe,D. (1983). Annual rhythms in human violence and sexual aggression in the United States and the role of temperature . *Social Biology*, 30, 263-278.
2. Rotton, J.(1986). Determinism redux: Climate and cultural correlates of violence. *Environment and Behavior* ,18, 346-368. Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. *Journal of Applied Social Psychology*, 9, 397-412.

3. Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 6, 18-30.
4. Baron, R.A., & Bell, P.A. (1975). Aggression and heat: Mediating effects of prior provocation and exposure to an aggressive model. *Journal of Personality and Social Psychology*, 31, 825-832. Bell, P.A., & Baron, R.A. (1976). Aggression and heat: The mediating role of negative affect. *Journal of applied Psychology*, 6, 18-30.
5. Palamerek, D. L., & Rule, B.G. (1979). The effects of ambient temperature and insult on the motivation to retaliation or escape. *Motivation and Emotion*, 3, 83-92.
6. Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. *Journal of Applied Social Psychology*, 9, 397-412
7. Anderson, C.A. (1987). Temperature and aggression: Effects on quarterly, yearly, and city rates of violent and nonviolent crime. *Journal of Personality and Social Psychology*, 52, 1161-1173
8. Rotton, J. (1986). Determinism redux: Climate and cultural correlates of violence. *Environment and Behavior*, 18, 346-368. Rotton, J., Frey, J., Barry, T., Milligan, M., & Fitzpatrick, M. (1979). The air pollution experience and physical aggression. *Journal of Applied Social Psychology*, 9, 397-412.